

ТОШКЕНТ

2019 йил 5 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 191 (14.038)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ – ДУШАНБЕ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТАДИ

Хабар қилинганидек, Душанбе шаҳри раиси Рустам Эмомали бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 4 декабрь куни Ўзбекистон ва Тожикистон пойтахтлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев делегация аъзолари билан мулоқотда халқларимизни кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар боғлаб туришини алоҳида қайд этди. Ҳамкорлиқнинг жорий ҳолати ва истиқболларидан келиб чиқиб, пойтахт шаҳарларимиз ўртасида хар томонлама муносабатларни ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

Рустам Эмомали Тошкент шаҳрида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёни Тожикистонда катта қизиқиш билан кузатиб борилаётганини таъкидлади. Тошкент шаҳрининг қурилиш соҳасидаги замонавий таъриби билан яқиндан танишиш истагини билдирди. Келаси йили Душанбеда Тошкент кунларини ташкил этиш, тадбир доирасида ёшлар форумини ўтказишни таклиф қилди.

Учрашувда манфаатли соҳаларда шерикликни мустақамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар сўнгиди 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳри ва Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳри ижроия кўмиталари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда биргаликда бажариладиган тадбирлар режасини амалга оширишга қаратилган битим имзоланди.

Делегация аъзолари Тошкентда амалга оширилаётган ўзгаришлар, шаҳарнинг янгиланаётган қиёфаси мисолида эса мамлакатимиздаги ислохотлар самаралари, инфратузилmani ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлар натижалари билан яқиндан танишди.

Меҳмонлар пойтахтимизда барпо этилаётган ер усти метро линиясининг Янгибулоқ тумани худудидан ўтадиган қисмида олиб борилаётган қурилиш ишлари, янги йўналишда ҳаракатланишга мўлжалланган вагонларни кўздан кечирди. Қурилиш соҳасида таъриб алаҳисси Тожикистон учун муҳим экани қайд этилди.


Ташриф доирасида Душанбе шаҳар раиси Рустам Эмомали Учтепа туманида жойлашган "Манзарали боғдорчилик ва гулчилик" масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхона билан танишди.

Мазкур иссиқхонани модернизация қилиш мақсадида 2018 йилда Туркия, Голландия, Италия каби илғор давлатлар таърибаси ўрганилди. Маъмури замонавий талаблар асосида қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 4 миллион АҚШ доллар миқдоридан инвестиция киритилди. Натияжада жорий йил иссиқхонада 15 миллион дона гул кўчати еттиштирилди. Ушбу гуллар бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Тожикистон Республикасига ҳам экспорт қилинмоқда. Делегация аъзолари айни ҳамкорликни келгусида юқори суръатларда давом эттириш зарурлигини қайд этди.

Душанбе шаҳри делегацияси шу кун Самарқандда бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Имом Каримов мақбара-мажмуасига ташриф буюрди, мустақиллигимиз асосини хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шунингдек, қўшни давлат пойтахти раиси Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди.

Файрат ХОННАЗАРОВ



"ОЛТИН КАБУТАР" ТАНЛОВИНИНГ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" саройида юртимизда илк марта ўтказилаётган "Олтин кабутар" ижодий танлови голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ва гала-концерт бўлиб ўтди.

Мазкур ижодий лойиҳа "Mening yurtim", "Yoshlar" телеканаллари ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, ушбу танловда телевидение, санъат ва маданият ҳамда кино соҳаси вакиллари тақдирланиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда маданият, санъат, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, бу йўналишда фаолият кўрсатаётган ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Олтин кабутар" танловида 2019 йилда самарали меҳнат қилган ижодкорлар кўлаб номинациялар бўйича тақдирланди. Эътиборга молик жиҳати, "Олтин кабутар" голибларини ҳақамлар ҳайъати эмас, балки томошабинларнинг ўзи SMS орқали овоз бериш йўли билан аниқлайди. Бунинг учун иштирокчилар тегишли тартибда беш босқичда саралашдан ўтдилар.

– Олтин кабутар танловида 2019 йилда самарали меҳнат қилган ижодкорлар кўлаб номинациялар бўйича тақдирланди. Эътиборга молик жиҳати, "Олтин кабутар" голибларини ҳақамлар ҳайъати эмас, балки томошабинларнинг ўзи SMS орқали овоз бериш йўли билан аниқлайди. Бунинг учун иштирокчилар тегишли тартибда беш босқичда саралашдан ўтдилар. – Олтин кабутар танловида 2019 йилда самарали меҳнат қилган ижодкорлар кўлаб номинациялар бўйича тақдирланди. Эътиборга молик жиҳати, "Олтин кабутар" голибларини ҳақамлар ҳайъати эмас, балки томошабинларнинг ўзи SMS орқали овоз бериш йўли билан аниқлайди. Бунинг учун иштирокчилар тегишли тартибда беш босқичда саралашдан ўтдилар.

кўрсатув" номинациясида иштирок этганимиздан гоёт мамнунмиз.

...Муҳташам сахнада завқли рақслар, шўх қўшиқлар янгради. Фильм ва кўрсатувлардан лавҳалар томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Тадбирда "Олтин кабутар" мукофоти "Энг яхши миллий сериал", "Энг яхши актёр", "Энг яхши видеоклип", "Энг яхши эстрада хонандаси", "Энг яхши телебошловчи", "Энг яхши тележурналист", "Энг яхши ток-шоу", "Энг яхши саундтрек", "Энг яхши кўрсатув" каби номинациялар бўйича аниқланди. Шунингдек, "Ўзбек санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун", "Ўзбек телевидениеси ривожига қўшган ҳиссаси учун", "Энг яхши мураббий" номинациясида танловнинг махсус мукофотлари топширилди.

Бундан ташқари, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Энг яхши концерт дастури", "Энг яхши режиссёр", "Энг яхши бадий фильм", "Иил блогери", "Иилнинг энг фаол ёши", "Иилнинг энг яхши хунарманди", "Иил инвестори", "Иилнинг энг яхши иштирокчиси", "Иилнинг энг яхши архитектори", "Иилнинг энг яхши мақом ижрочиси", "Иил расмони", "Иил шифокори", "Иилнинг энг яхши тадбиркори" каби рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам тақдим этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎА муҳбири

САЙЛОВ – 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партияси номидан "Она табиатни асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир" сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сурхондарё вилояти Термиз туманида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази қўшни давлат учун етук малакали кадрлар тайёрлаш ва азалий дўстлик, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини юксалтиришнинг тамомила янги қирраларини намойиш этди. Ушбу таълим муассасида қўшни давлат томони эҳтиёжларидан келиб чиқиб 18 олий ва 19 ўрта махсус, касб-хунар таълим йўналиши ўқув режаларининг модуллаштирилган шакли ишлаб чиқилган.

● Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан худудларда аҳоли билан бевосита ва тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.Худойбергенов раҳбарлигида ишчи гуруҳ жорий йилнинг 2-3 декабр кунлари Навоий вилоятининг барча худудлари аҳолиси билан сайёр қабул ўтказди.

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган 20 юрtdошимизга фуқаролик паспортлари тантанали топширилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон манфаатларини улуғлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

● Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Андижон вилояти Балиқчи, Жалақудук ва Булоқбоши туманларида уй-жойга муҳтож, оғир ижтимоий вазиятда яшаётган ҳамда ногиронлиги бўлган 46 хотин-қизга янги уй-жойлар топширилди. Шунингдек, Халқаро ногиронлар куни муносабати билан оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг 105 нафарига ногиронлик аравачаси, 39 нафарига эшитиш воситаси, 63 нафарига турли реабилитация воситалари – ҳасса, қўлтиқ таёқ, юриш мосламалари тақдим этилди.

ЖАҲОНДА

● Британия қиролик зарбхонаси мамлакат тарихидаги энг йирик коллекцион олтин тангани зарб этди. Танганинг диаметри 17,5 см, оғирлиги 5 килограмм ва қиймати 5 минг фунт стерлинг (6437 доллар) ташкил қилади. Танга Буёқ ўймакорлар сериясига кириб, олд томонида ёзувчи Эдмунд Спенсернинг "Парилар қироличаси" поэмасининг қаҳрамони Уна ва унга ҳамроҳлик қилувчи шер тасвирланган. Уна қиролича Викторияни (1819-1901), шер эса Британия халқини ифодалайди. Танганинг орқа томонида эса қиролича Викториянинг ён томондан кўриниши тасвирланган. Зарбхона бош ўймаkori Гордон Саммерснинг айтишича, гигант-тангани яратишда ўймакорликнинг аънанавий усуллари билан бирга замонавий технологиялар қўлланган. Танга сотилган, бироқ у неча пулга кетгани маълум қилинмаган. Ушбу серияга камроқ оғирлиқтаги – 2 кг. лик тангалар ҳам кирган. Маълум қилинишича, шундай тангадан 4 дона чиқарилмоқчи. Уларнинг ҳар бирининг нархи 154,5 минг долларгача этади. Коллекцияга, шунингдек, шундай дизайндаги кичик қумуш тангалар ҳам кирган.

● Францияда тинимсиз ёмғир ёғиши натижаида келиб чиққан кучли сув тошқинлари беш кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ушбу табиий офат хавфлиликнинг юқори даражасида ҳисобланмиш қизил ранг билан тавсифланмоқда.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК – ТАРАҚҚИЁТ БЕЛГИСИ

"Пойтахт" бизнес марказида Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ва БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "2020-2030 йилларда гендер тенгликка эришиш стратегияси" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатда гендер тенглик масалалари, хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича миллий қонун ҳужжатлари, халқаро мажбуриятлар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, иқтисодий, меҳнат миграцияси, таълим масалаларида гендер тенглик, эърувонлик ва одам савдо-

сининг олдини олиш каби устувор йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Семинар дастурига турли секторларда хотин-қизларнинг иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш орқали уларнинг имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ кенг қўламли масалалар киритилди. Жумладан,

иштирокчилар мамлакатда гендер тенгликни таъминлашда давом эттиришдаги асосий таҳдидлар ва истиқболлар ҳақида статистик маълумотлар келтирилди. Бу маълумотлар Ўзбекистон ҳукуматидаги тараққиёт мақсадларига эришишга содиқлигидан дарак беради.

(Давоми 2-бетда)

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ ҲАМКОРЛИгини РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон ва Япония ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига қурилган дипломатик муносабатлар қарор топган. Бугунги кунга келиб икки мамлакатнинг алоқалари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Фан-таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам фаоллашмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида японшунослик факультетининг очилиши мамлакатларимиз таълим, илм-фан соҳаларида ўзаро қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратаётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Тошкентда 4 декабрь куни ушбу факультет очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳақимов, олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Маждидов, Япониянинг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Ёшинори Фужима, шунингдек, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан таълим тизимини

тубдан ислоҳ қилиш амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири экани қайд этилди. Тошкент давлат шарқшунослик институтида японшунослик факультетининг ташкил этилиши айни соҳадаги эзгу интилишлардан биридир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Япония билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Шу боис, кунчиқар мамлакат билан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, таълим, маданий алоқаларни йўлга қўйиш, уни ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган замонавий кадрларни тайёрлаш доимий эътиборда.

Шу каби мақсадларни самарали рўёбга чиқариш учун Тошкент давлат шарқшунослик институтида 1991 йилда олтойшунослик кафедраси ташкил этилди. Кафедрада талабаларга турк, корейс ва япон тиллари-

Саидмурад РАҲИМОВ,
ЎА муҳбири



Она табиатни ўз Ватанини севгандек севган, азиз деб билган, уни ардоқлаган ҳар бир инсон бизни қўллаб-қувватлайди. Инсонни комил қиладиган ҳам мана шу — она юртга, она табиатга муҳаббат, уни асраш ва керак бўлса, ҳимоя қилиш фазилатидир.

Ўтмишда атроф-муҳитга эътиборсиз муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан меъридан ортик фойдаланиш ва экологик талабларни менсимаслик **Орол денгизининг қуриши, чўлланиши, ер ва сув ресурсларининг таназзули, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси геннофондининг ёмонлашуви, биологик хилмахилликнинг қисқариши, кўп миқдордаги саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши** каби қатор глобал ва минтақавий экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу муаммолар иқлим ўзгариши содир бўлаётган шароитларда янада яққолроқ ва кучлироқ намоён бўлиб, замонавий Ўзбекистон учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштириш масалаларини янада долзарб қилиб қўйди.

Албатта, мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, муаммоларни бартараф қилиш ва салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида жамиятнинг турли қатламлариға мансуб фўқароларнинг фаол қатнашини талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида фаолият юритаётган миллий ҳамда чет эл жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг ижобий тажрибаларини ўзлаштирган сиёсий куч — партия бундай муҳим мақсад ҳамда вазибаларни бажаришға қўйди эканлигини эътироф этиш зарур.

Президентимизнинг Олий Мажлисға йўллаган Муражаатномасидаги ғоялар ҳамда мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалға оширилаётган ислохотлар йўлидаги кейинги қадам сифатида мамлакат сиёсий майдонида янги — **Ўзбекистон Экологик партияси** ташкил этилди. Экологик партиянинг тузилиши Ўзбекистон тарихида алоҳида саҳифа бўлиб, мамлакатда амалға оширилаётган стратегиянинг яққол ҳосиласидир.

Аҳоли билан мулоқотлар жараёнида партиянинг вужудға келиши нафақат экологлар, балки кенг жамоатчиликнинг ушлаган орузи эканлиги эътироф этилмоқда. Бу партиянинг ташкил этилиши юртимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги нуфузини, имижини ошириш учун муҳим омил бўлди. Бу мамлакатимизда экологик масалаларға юксак эътибор қаратилаётганлигининг бир намунаси ва халқор майдонда Ўзбекистоннинг бренди бўлди, десак, асло ҳато қилмаймиз.

Маълумки, Экоҳаракат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида квота асосида депутат ўринларига эға эди. Квотадан воз кечилиши Ўзбекистон Экологик партияси учун янги имкониётлар эшигини очиб берди.

Квоталаш институти бизнинг имкониётларимизни маълум бир даражада чегаралаб қўйган, маҳаллий Кенгашларда депутатларимиз йўқ эди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок эта олмадик. Бу эса, ўз навбатида, вертикал тизимда ишлаганса, маҳаллий экологик муаммоларни ўз вакилларимиз орқали жойларда ҳал этиш имкони бержмас эди. Бундан ташқари, Экоҳаракатда бошқа сиёсий партиялар сингари барқарор молиялаштириш манбаси ва рўйхатға олинган ўз электорати йўқ эди.

Шу маънода, Ўзбекистон Экологик партиясининг ташкил қилиниши ва унинг сайловларда иштирок этиш имкониётига эға бўлиши юқорида кўрсатилган муаммоларға ечим топишға хизмат қилади.

Ўзбекистон Экологик партияси сиёсий ташкилот сифатида жамиятни ижтимоий гуруҳларға ажратмаган ҳолда, ҳозирги ва келгуси авлодларға мусаффо табиятни, санитария-эпидемиология соийишталиқини, фўқароларнинг қулай атроф-муҳитға бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашға қаратилган савий-ҳаракатларини амалға оширишда жамиятнинг бор куч-салоҳиятини бирлаштиришға ва сафарбар қилишға интилади.

Партия электорати атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиқини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича демократик жамиятнинг таъини, соҳадаги жадал ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этувчи ва амалға оширувчи асосий куч бўлган, сиёсий-ижтимоий жиҳатдан энг фаол, жонқур инсонлардан иборатдир. Улар атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган, юртимиз ва халқимизнинг бугунги ва келажак тақдирини она табиат мусаффолиқисиз тасаввур этолмайдиган, жамиятнинг барқарор ривожланиши — табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда деб биладиган инсонлардир.

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг қарашлари ҳамда мақсад ва вазибаларини инкор этмаган ҳолда, барча сиёсий, маъқуравий қуларни она табиатни асраб-авайлаш, Ватанимизнинг табият неъматларини келажак авлодларға етказишдек буюк ғоя атрафида бирлашишға қақиради.

Партия ўз дастурий вазибаларини, сайловлиди сиёсий позициясини амалға оширишда, дастурий мақсад ва ғояларимизни қўллаб-қувватлайдиган, фаоллиги билан Ватанимиз манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳамда аҳолининг соғлиқини сақлаш, санитария-эпидемиология соийишталиқини таъминлаш борасида амалға оширилаётган туб ислохотларни тушуниб етган, ташкилотчилик тажрибасига эға, бу борада мустақил қарор қабул қила оладиган фўқароларға таянади.

"Биз келажак учун жавобгармиз!" ғояси остида ҳозирги ва келгуси авлоднинг қулай атроф-муҳитға эға бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш, экологик барқарорликқа эришиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида жамиятни ижтимоий гуруҳларға ажратмаган ҳолда, унинг барча куч-салоҳиятини бирлаштириш партияимизнинг асосий маққурасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, партия фаолиятини ташкил этишда замон талабига, партия электорати мақсад ва манфаатларига мос келадиган инновацияни янги ғоялар билан чиқариш, партия атрафида юқори малакали, сиёсий етук, фидойи маслакдошларни бирлаштириш, биз илгари сураётган ғояларни амалда татбиқ этиб, рўёбға чиқарилишиға эри-

шиш, яъни сўз билан иш бирлигини таъминлаш каби мезонларға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, фаолиятни ташкил этиш бўйича пухта ўйланган чора-тадбирларни қамраб олган ҳолда, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий ташкилотлари ҳамда 201 туман ва шаҳарда бўлимлари ташкил этилди ва фаолиятни йўлга қўйилди. Бугунги кунға келиб, бошланғич партия ташкилотлари **сони 1000 дан ошди**. Амалға оширилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида партия аъзолари **сони 250 миң нафарға** яқини ташкил этмоқда, шундан **95 миң нафардан ортиги, яъни 39 фойси** хотин-қизлардан иборат.

Партияимиз томонидан юртимизнинг барча туман ва шаҳарлардаги экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар инвентаризация қилиниб, уларнинг тўлиқ рўйхати шакллантирилди. Оролбўйида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича амалға оширилаётган ишларға кўмаклашиш мақсадида партия фаоллари томонидан **"Оролга мадад"** шиори остида саксувал уруғларини йиғиш бўйича хайрия ҳашарлари ташкил этилди. Фаолият давомида амалий тадбирларға, шу жумладан, дарактлар эқиш ақциялари, экологик ҳашарлар ўтказишға жиддий эътибор қаратилди. Хоразм вилоятининг Богот, Шовот, Янгиқор туманларидаги таълим муассасаларига соатиға 500 литр сувни тозалайдиган сув тозалаш ускуналари ўрнатилди, ушбу

тарғиб қилишдан иборат бўлди.

Экопартия қошида ташкил этилган "Ишонч телефони"ға келиб тушаётган мурожаатлар асосида саноат корхоналарида жамоатчилик эшитувларини ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Бугунги кунға қадар **7 та йирик саноат корхонасида** жамоатчилик эшитувлари ташкил этилди. Бу эшитувларни юқори савияда ташкил қилиш ва уларнинг самарадорлиғига эришиш, қолаверса, вазиятни холис баҳолаш учун корхоналарға туташ ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида ижтимоий сўрвномалар ўтказиш амалиёти жорий этилди.

Жамоатчилик эшитувлари якунида иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақливлар асосида экологик ҳолатни яхшилаш ва корхоналар фаолиятининг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиғига таъсири ни камайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича мажмуавий тадбирлар ўз ичига олган тавсиялар ишлаб чиқилди ва тегишли ташкилот ва муассасаларға тақдим этилди. Бугунги кунда уларнинг назорати амалға оширилмоқда.

Жорий йилнинг 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларға пухта тайёргарлик қўриш партия томонидан халқимиз орасида обрў-эътиборға сазовор бўлган, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида муайян тажриба тўплаган, сиёсий жараённи англаб етадиган, давлат ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатаётган, партиянинг билими фаоллари

ОНА ТАБИАТНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

ҳудудларда "Дўстлик боғлари"ға асос солинди.

Ўзбекистон Экологик партияси қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш билан боғлиқ вазиятни ўрганиб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалға ошириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудида қалинлиги 40 микрометр кам полимер плёнкали пакетлар (экспорт учун ишлаб чиқарилган, туғқичисиз ишлаб чиқарилган ва ички фойдаланиш учун ролонларда сотиладиган товарларнинг ажралмас қисми бўлган полимер плёнкали пакетлар, шунингдек, биологик парчаланадиган полимер материаллардан бундан мустасно)ни ишлаб чиқариш тақиқланган. Бироқ бугунги кунда бундай пакетларни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Ушбу пластик пакетлар парчалангани учун 200 йилдан кўпроқ вақт талаб этилади. Боз устиға, чиқинди полигонларида тўпланиб қолган пакетлар атроф-муҳитға зарар етказмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Экологик партияси ҳуқуқматта амалдаги полиэтилен пакетлар ўрниға биологик парчаланадиган пакетлардан фойдаланиш бўйича тақлиф билан чиқди. Партияимиз "ЕКО РАСК" МЧЖ мутахассисларини жалб қилган ҳолда, атроф-муҳитға салбий таъир кўрсатмайдиган биологик парчаланадиган муқобил пакетлар намуналарини ишлаб чиқди.

Ушбу пакетларға Буюк Британия таниқли лабораториясининг ижобий сертификати тақдим этилди. Оддий шароитда ушбу пакетнинг биологик парчаланаш **даврий таъминан 8 ойға тенгдир**. Бундан ташқари, парчаланиш жараёни ҳаво, қуёш нури ва табиий муҳит таъсирида бошланади. Парчаланишнинг якуний натижаси, бу ўсимлик учун ўғитға айланадиган биомассаидир.

Шулардан келиб чиқиб, партияимиз анъанавий полиэтилен пакетларни сифат жиҳатидан кам бўлмаган, турли ўлчам ва қалинлиқда тайёрланиши мумкин бўлган, биологик парчаланадиган пакетларға алмаштиришни тақлиф этмоқда. Тақлиф қилинадиган биологик парчаланадиган пакетларнинг нархи (оммавий ишлаб чиқариш шароитида) **230 — 240 сўмдан** ошмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда маиший ва қурилиш чиқиндилари муаммосидан ташқари, саноат чиқиндисидан боғлиқ муаммо ҳам мавжуд. **Республикамизда ҳозир кимё саноатида ҳосил бўлган фосфогипс чиқиндис қарийб 80 млн. тонна, шу жумладан, Тошкент вилоятида 67 млн. тонна ва Самарқанд вилоятида 14 млн. тонна** ташкил этади.

Фосфогипс чиқиндисини қайта ишлаб, фосфор бирикмасига ва гипсға ажратиш бўйича технология партия томонидан ишлаб чиқилган ва халқор итиро патенти олинган. Мазкур технологияларни жорий этсак, нафақат экологик, балки иқтисодий самара бериши, шубҳасиз.

Шунингдек, бугунги кундаги кенг жамоатчиликни қийнаб келаётган, ижтимоий тармоқларда қизган муҳокамаға сабаб бўлаётган дарактларнинг кесилиши билан боғлиқ муаммоға ечим сифатида ҳуқуқматта дарактларнинг кесилишиға қарши мораторий эълон қилиш тақлифи ҳам илгари сурилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикасида 2030 йилға қадар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида Экопартиянинг тақлифи ўз аксини топди.

Ўзбекистон Экологик партиясининг ташаббуси билан жорий йилнинг 17 — 22 октябрь кунлари Ўзбекистонда биринчи марта 25 октябрь куни Нукус шаҳрида бўлиб ўтган юқори даражадаги Орол конференцияси арафасида "Биз келажак учун жавобгармиз!" шиори остида "Agal marathon" халқор экологик марафони ўтказилди. Бу марафон Ўзбекистоннинг 6 та жойида, яъни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Нукус ва Мўйноқда 30 миң киши иштирокида бўлиб ўтди.

Марафоннинг асосий мақсади — Ўзбекистон Республикасини Президентни Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Оролбўйи минтақасининг экологик инновациялар ва технологиялар зонаси, деб эълон қилинишиға, Орол фожисига, ҳақиқатан ҳам, глобал микёсдаги муаммо эканлиғига жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг

— шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида сизот сувлари сатҳи кўтарилганининг олдини олиш, сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш мақсадида ирригация ва мелiorация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари амалға оширилиши устидан парламен ва жамоатчиликнинг самарали назоратини ўрнатиш;

— Оролбўйи ҳудудида Амурдёрёнинг юқори қисмидан йиллиға камид 5-6 куб. км. ҳажмда сув юборилишини таъминлаш ҳамда Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон-мелiorатив ишларини амалға ошириш йўли билан Оролбўйини экологик жиҳатдан соғломлаштириш ҳамда **1,5 млн. гектар** ер майдонини ўрмон билан қоплаш бўйича чора-тадбирларни амалға ошириш;

— аҳоли, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларнинг тоза ичимлик суви таъминотини **85 фойсгача** етказишға эришиш;

— оқова сувларни тозалаш иншоотлари самарадорлиғи паст бўлган ҳудудларда, жумладан, **Ангрен, Гулистон, Самарқанд, Жиззах, Урганч, Нукус, Андижон, Чирчиқ ва Тошкент** шаҳарларидаги ҳамда туман марказларидаги оқова сувларни тозалаш иншоотларининг самарадорлигини санитария нормалари даражасига етказиш ҳамда оқова сув тармоқларини ривожлантириш;

— ер ости бойлиқларидан, фойдали қазилмалар жойлашган майдонлардан асосис равишда ва ўзбош-

симчалик билан фойдаланишнинг олдини олиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан самарали назорат ўрнатиш;

— барча турдаги чиқиндилардан оқилона фойдаланишға эришиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва такоррий фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш орқали уларни қайта ишлаш ҳажмини **40 фойсгача** етказиш, ҳосил бўлаётган саноат чиқиндиларини қайта ишлаш миқдорини **20 фойсгача** етказиш;

— шаҳарларни ва аҳоли яшаш пунктларини комплекс ривожлантириш ва ривожлантириш, **Тошкент, Нукус, Бухоро ва Термиз шаҳарлари атрафида "яшил қалқонлар"**ни барпо этиш ҳамда дарактлар полим материаллардан бундан мустасно)ни ишлаб чиқариш бўлиши, ўз соҳасини ва партия ташкилотларини ишчи яши билиши, республикада амалға оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини англаши ва партия аъзоларига еткази олиш, партиявий манфаатларни ҳимоя қила олиш, ғоявий ишончнинг мустаҳкамлиғи, ўзига юқори даражада талабчанлик ва ишчанлик, ташкилотчилик ва етакчилик қўбилиятларига эғалик, ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг яхши шаклланиши, ватанпарварлик ва инсонийлик хислатларининг устуворлиғи каби жиҳатларига алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, номзоднинг лавозимға қанчалик мос келишини, назарда тутиладиган лавозим учун талаб этиладиган билим ва касбий кўникмалари, ҳуқуқи, муомала лаёқати ҳам диққат марказимизда бўлди.

Партияларнинг ҳар бири ўз йўналиши, жамиятдаги муайян ижтимоий интилишлари, қизқишларидан келиб чиққан ҳолда, яъни уларнинг манфаатларини ифодалаган ва ҳимоя қилган ҳолда ўз дастурини ишлаб чиқиси зарур.

Шундан келиб чиқиб, партия фаоллари, экологлар, олимлар, мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи томонидан **"Биз келажак учун жавобгармиз!"** ғояси асосланган, ҳудудларнинг ўзига ҳок экологик муаммоларининг нафақат оқибатларини бартараф этиш, балки улар ечимига қаратилган Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловлиди дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Экологик партияси 2025 йилға қадар куйидагиларни амалға оширишни режалаштирган:

— мамлакатимизнинг йирик ва саноати ривожланган шаҳарларида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган углерод, азот бирикмалари, метан ва бошқа газлар чиқарилишини ҳамда чанг миқдорини **1,5 баробар камайтириш** орқали атмосфера ҳавоси сифат кўрсаткичларини белгиланган меъёрлар даражасига келтириш ва уларнинг аҳолиға салбий таъсири ни камайтириш;

— республикамизда йиллиға атмосфера ҳавосига қарийб 2,5 млн. тонна ифлослантирувчи турли моддалар тарқалади. Шундан 63 фойси транспорт воситалари уллуғиға тўғри келади. Тошкент шаҳрида эса бу кўрсаткич 80 фойсдан юқорини ташкил этади.

Тақлиф сифатида келгуси йилдан бошлаб мамлакатимизда экологик мақбул ҳисобланган электромобиллардан кенг фойдаланишни жорий этиш, ёқилгининг юқори талабларға жавоб берадиган турларидан фойдаланишини йўлга қўйишға эришиш;

— иқтисодиётнинг барча тармоғида сувени тежайдиган, шу жумладан, томчилятиб сўғориш технологияларидан кенг фойдаланишға қаратилган лойиҳаларнинг амалиётға татбиқ этилиши ҳисобига сув сарфини камайтиришға эришиш ҳамда сўғориладиган ерларнинг **25 фойсгача** майдонида сув тежовчи самарали технологиялар жорий этилишини таъминлаш;

— Унутман! Она табиатни асраб-авайлаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир!

Борий АЛИХОНОВ,

Ўзбекистон Экологик партияси

Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

Бизнинг асосий мақсадимиз:



Биринчидан, давлат сиёсатида экологик сиёсатнинг устуворлиғига эришиш.



Иккинчидан, мавжуд муаммоларнинг нафақат экологик, балки барча соҳадаги муаммоларнинг оқибатлари билан эмас, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, ечимини топиш.



Учинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда барчани бирлаштириш, экологик масъулятни ошириш, экологик барқарор жамият қуришдан иборат.



СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ ҚАДАМ

Юртимизда эл саломатлигини асраш, jisмонан соғлом авлод камол этишига катта эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга гиёвандлик, ОИТСга қарши курашиш бўйича ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Бундан кўндаланга мақсад эса ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, турли салбий иллатлардан холи ҳолда ўсиб-ўлғайишни таъминлашдан иборатдир.

Мирзо Улуғбек туманидаги 125-сонли ўрта умумий таълим мактабида "ОИТС – аср вабоси" мавзuida таъминот йиғини ташкир қилинган. Унда махалла фаоллари, фахрий ус-тозлар ва мактаб ўқувчилари иштирок

этишди. Тадбирда ўқувчиларни гиёвандлик, ОИТСга қарши курашиш муҳимлиги таъкидланди. Комил инсон бўлиш учун тўғри йўлдан адашмаслик учун оғоҳ бўлиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш кераклиги алоҳида уқтирилди.

Соғлом ҳаёт сари ундаша қаратилган тадбирда мавзу бўйича сахна кўри-ниши, турли кўрғазмалли спорт чиқиш-лари намойиш этилди. Тадбир сўнггида ўқувчиларни қизиқтирган барча савол-ларга жавоблар қайтарилди.

Ҳақиқатан ҳам келажақ ёшларини соғлом ва баркамол инсон қилиб вояга етказиш ҳар биримизнинг зиммасидаги масъулиятли вазифадир. **Нилуфар Жўраева**

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Фуқароларнинг хонадонни ёки бошқа мулкларни асраб-авайлаш, уларни қўриқлашда Мирзо Улуғбек туманидаги объектларни қўриқлаш бўйича 2-Алоҳида батальоннинг хизмати катта.

Мирзо Улуғбек туманидаги объект-ларни қўриқлаш бўйича 2-Алоҳида батальон томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, туман ҳудудидида жой-лашган халқ ҳўжалик объектлари ва фуқаро хонадонларининг ишончли қўриқловини таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

"Хавфсиз хонадон" ҳамда "Хавфсиз шаҳар" концепциясига амал қилган ҳолда техник қўриқлаш пункти қўриқ-лови жараёнида халқ ҳўжалиги объект-лари ва фуқаро хонадонлари хавф-сизлигини таъминлашда телекомму-никация тармоғи ходимлари, МФЙ фаоллари ва профилактика инспек-торлари билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, туман ҳудудидида фаолият кўр-са-таётган савдо-сотиқ, аҳолига маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобча-лари, меҳмонхона, хусусий дўконлар, интернет-кафе, шунингдек, фуқаролар хонадонлари, таълим муассасалари-ни шартнома асосида қўриқловга олиш, уларнинг хавфсизлигини таъ-минлашга алоҳида эътибор берилмоқ-да. Бу турдаги объектларга ҳозирги замон талабларига мос келувчи қўриқ-лаш, ёнгиндан оғоҳланрирувчи си-гнализация КЕОС воситалари ўр-натилди. Ушбу воситалар

рват қилинмоқда. Тадбиркорлик объек-тлари ва ташкилотларнинг қоровул-хоналарига, қабулхоналарига, шунин-гдек, савдо нўқталарининг кассала-рига "хавfli туғма" сигнализация вос-итаси ўрнатилиб, техник қўриқлаш маркази қўриқловига уланмоқда.

Агарда техник қўриқлаш маркази-га уланган объектлардаги ўрнатил-ган сигнализация воситалари орка-ли техник қўриқлаш марказига "таш-виш" хабар келадиган бўлса, тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ ўзларига бирик-тирилган хизмат автомашинасида воқеа жойига зудлик билан етиб бориб, унинг сабабини ўрганади ва турли қўриқлашдаги салбий ҳўлатлар-нинг олди олинади. Хонадон қўриқ-ланиши учун ҳар ойлик тўлов 17.000 сўм бўлиб, хонадонларга сигнализа-ция воситалари ва уни ўрнатиш учун ҳақ олинмайди. Ташкилот, корхона ва бошқа савдо объектларини қўриқ-ловга олиниши учун тўловлар қўриқ-ла-ниш тури, вақтидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тарифлар бўйича шартнома асосида амалга оширилади. Хонадонингизнинг ишончли қўриқ-ланишини кафолатлаймиз.

Нодир Жўраев,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Тошкент
шаҳар Қўриқлаш бошқармаси
2-Алоҳида батальони командири,
подполковник

ҲЕЧ КИМ МЕҲР-ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Юртимизда Халқаро ноғиронлар кўни муносабати билан таълим муассасалари, қатор бошқарма ва ташкилотларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли баёнига мувофиқ мазкур санани кенг нишонлаш мақсадида республикамизда жорий йилнинг 30 ноябрдан 30 декабрга қадар меҳр-мурувват ойлғи сифатида белгилангани эса бу борадаги ишларни янада жонлантди.

Кўни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳўзуридида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси та-шаббуси билан пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 199-ихтисослаштирилган мак-табда "Меҳр қолур..." шиори остида тад-бир ўтказилди. Унда туман ҳўкимлиги, те-гишли идора ва ташкилотлар, туман халқ таълими ва маданият бўлими ҳамда но-давлат-нотижорат ташкилотлари вакилла-ри, шунингдек, ота-оналар иштирок этди.

Таъкидлаш лозимки, сўнги йилларда мамлакатимизда ноғиронлик муаммолари-ни ҳал қилиш йўналишининг мустаҳ-кам пойдевори яратилиб, соҳада давлат органлари, кенг жамоатчилик, юртимиз-нинг ҳар бир фуқароси мақсадли иш-ларни амалга оширмоқда. Хусусан, Ах-борот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳам бу борада қатор лойиҳа-ларни ҳаётга самарали татбиқ этиб кел-моқда. Жумладан, агентлик томонидан ўтказилаётган "Кўнғил кўзи" лойиҳаси кўришда нуқсонли бор фуқароларни жа-миятга мослаштириш, билимини ошириш ва мутулаага бўлган меҳрини кучайти-риш мақсадида ташкил қилинган. Маз-

кур эзгу ташаббусларнинг мантйқий да-воми сифатида ўтказилган тадбир ҳам иштирокчиларга байрамона кайфият тақ-дим этиш билан бир қаторда, юртимизда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда эмас-лигининг исботи бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кун-да давлатимиз томонидан ноғиронлиги бор шахсларнинг жамиятга тўлақонли мосла-шиши, тўсқинсиз муҳит яратилишига катта эътибор қаратилаётганига алоҳида тўх-талиб ўтишди.

Шундан сўнғ болажонлар учун байрам дастурхони ёзилиб, уларга тадбир таш-килотчилари ва ҳўмиёлар томонидан со-вғалар улашилди. Фафур Фулом номидидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи томонидан мактаб ўқувчиларининг билимини бой-тиш, дунёқарашини ошириш мақсадида викторина ўтказилиб, 200 номдаги бади-ий китоб мактаб кутубхонасига совға қилинди.

Мактаб ўқувчиларининг чиқишлари, тақ-дим этилган концернт дастури болажон-ларнинг эртанги кунга ишончи юксакли-гини, улар ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатди.

(Ўз муҳбиримиз)

"ЁШЛИК" КУБОГИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ҳамда "Ёшлик" шаҳарча ҳўкимлиги ҳамкорлиғида ҳудудда жойлашган талабалар турар жойлари ўртасида "Ёшлик кубоғи" лойиҳаси доирасида футбол мусобақалари ташкил этилди.

Бир ҳафта мурасис кечган баҳсларда Ўзбекистон Миллий университетини талаба-ёшлари ўзaro беллашилди. Университетга қарашли 9 та талабалар турар жойлари мавжуд бўлиб, унда 2500га яқин талаба-ёшлар истикомат қилади.

Талаба-ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ташкил этиш, уларни спортга кенгроқ жалб этиш, инсон саломатлиги учун керак бўладиган жисмоний чи-киртириш машқларини доимий равишда бажариш нафақат ёшларимиз учун балки ёши катталар учун ҳам фойдали эканлигини ҳаммамизи биламиз.

Юқоридиғиларни инобатга олиб ташкил этилган финал мусобақасида Ўзе-бекистон Миллий университетининг География, Математика, Физика факультет-лари талабаларининг жамоалари фахрлий I, II, III-ўринларни кўлга киритди.

Ғолиб жамоалар "Ёшлик" шаҳарчаси ҳўкимси Қ.Шонозаров, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" шаҳарча Кенгаши раиси З.Саъдуллаев томонидан кубок, медаль, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мақсад ёшларни туну кун қайсидир соҳа ва йўналишларга бўлган қизиқи-шини ўрганиш, уларга маъқул келган ҳар қандай фойдали меҳнат билан шу-ғулланишлари учун шaroит яратиб бериш, нафақат маънавий-маърифий балки спорт мусобақаларига кенг жалб қилиш орқали саломатлигини мустаҳкамлаш-га кўмаклашидир.

М.МАТЧОНОВ,

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" шаҳарча Етакчилар Кенгашининг етакчи мутахассиси

Реклама ва эълонлар

Лойиҳалаш ташкилотлари диққатига!
Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 56-уй манзи-лида жойлашган "Узсаноатурилишбанк" АТБ Сергели филиали қошида-ги Банк хизматлари маркази биносидида қайта қўриш ишлари олиб бори-лиши муносабати билан лойиҳа-смета ҳўжатларини ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича махсус лицензияга эга та-шкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида батафсил маълумот-ни кўйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Шоқорай кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (71) 257-80-28, (71) 215-22-31.
Нарҳлар кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертда жойлан-ган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб **7 кун мuddат ичида** қабул қилинади

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томони-дан 07.08.2018 йилда № 626963 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "JBY TECHNO TRADE" ХК (СТИР 3051689737) таъсисчиининг 30.11.2019 йил-даги № 1-сонли қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Юнусобод тумани, Шахристон кўчаси, 3а-уй, 4-хонадон манзилида қабул қилинади.
Телефон: +99890 317-55-77.

"RENESANS GROUP INVEST" МЧЖ (ИНН 207073936) устав фонди 1 081 379 698.88 сўмдан 903 267 698.88 сўмга камайитриланлигини маълум қиламиз. Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой даво-мида кўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99899 817-38-23.

Тошкент алоқа касб-ҳўнар коллежи томонидан 2011 йилда Каримов Камолиддин Хусниддин ўғли номига берилган К № 2238613 рақамли дип-лом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент авиасозлар касб-ҳўнар коллежи томонидан 2015 йилда Ҳў-суноҳдаева Сабина Акбар кўзи номига берилган К № 4024693 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Огоҳ бўлайлик

ЖИНОЯТ ҚАНДАЙ МУҲИТДА НИШ УРАДИ?

Чалалоқ туғилиши билан ота-она қалбида бир умид ҳам уйғонади. Фарзандини эсон-омон вояга етсин, эсли-хушли бўлсин, одамлар ҳўрматиини қозонсин, деб орзу қилиди. Шун-дан сўнғ ота-она орзуга етмок учун қанчадан-қанча уқубатлар сарҳосидан ўтадилар. Буни бола тарбиялаган ота-она билади. Ораддан йиллар ўтиб, бу аэоблар яхши мева берса – фарзанди комил инсон бўлиб етишса, ота-онанда армон қолмайди.

Аммо, ярим йўлда ёки маррага етди деганда қўқилса-чи? Қалбида авайлаб юрган умиди дарз кетса ёки синса-чи? "Фар-зандини одамлар эъэозлашсин, бошларига кўтаришсин", – деб юрган ота-она ўғлини ёки қизини "қора курси" да қўрса-чи?

Еғочнинг бўштини кўрт ёйди. Қаерда талабчанлик бўшаш-са, у ерда бола тарбиясида ҳам салбий ҳўлатлар болабай бўшлайди. Ҳали ўсмирлиғидидаёқ жиноят кўчасига кириб қола-ётган болаларга ёки ундан каттароқ ёшдаги йиғит-қизларнинг жиноятга қўл уришига иш жараёнида рубурбу бўлаётгани-мизда жаниатда ота-она тарбиясида бўшлиқ юзига келатга-нини кўрамиз. Иш жараёнида шу йилнинг ўзидида қўрилган 18 та жиноятнинг иштирокчилари аксарияти ўсмирлар ёки улардан ёши каттароқ 18-30 ёшлар атрафидидадиларид. Мас-лан, 1998 йилда туғилган фуқаро Азиз Ли, Тошкент шахри Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 9-уйда жойлашган "Ucell" дилерлик офисида шу йилнинг 7 сентябрь кўни соат 15.30 ларда таниши А.Мирзақўлов билан ўрталарида келиб чиқан келишмовчилиги натижасида, личоқ билдан боши ва танаси-нинг турли жойлари уриб тан жароҳати етказган. Ҳалиям қончиликимизда ўзаро ярашувчанлик институти бор. 25.09.2019 йилда Жиноят иш ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан қўриб чиқишлиш ва туғатишлиш учун судга юборилди. Бўлмаса, Тошкент шаҳар Суд тиббиёт экспертиза-сининг 2019 йил 18 сентябрь кўни берган 250-сонли ҳўлоса-сига кўра, "ўртанча оғирлиқдаги" тан жароҳати тоифасига ки-риши анқиланганлиги фуқаро Азиз Ли ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддиси 2-қисми билан жаэога тортишли деб қарар эди.

Дарвоқеа, бугунги эъалии рақамлар орқасида инсон тақдир-ини ётибди. Бу ёшларга нима етишмайди? Кимларнинг фар-зандлари улар? Келинғ шу саволларга жавоб топишга ҳар-кат қилайлик.

Тарбияга ким масъул?

Халқда бир ривоят бор. Дорға тортилаётган ўғил: "Ўлим олдин-дан онанинг тилини бир ўпай", деб онанинг тилини тишлаб, уэиб олган экан. Чўнки бу тил болалиғидидаёқ жиноятдан тутиб қолмаган эди.

Менимча бугун жиноятнинг бош сабабини ота-онадан қидириш керак назаримда. Болаларнинг бешо бўлиб кетишига ўз вақтида кўп жиҳатдан ота-она, оиладаги муҳит айбдор, деб ўйлайман. Кўпинча бола тарбиясига ким масъул? Оилани, мактабни, деб баҳс юритишмайди. Бу баҳс мутлақо ноғириндир. Бола тарбиясига энг биринчи оила, ота-она масъул! Болани яратиб, тарбияни етти ёт бе-ғоналар зиммасига қўлаб қўйиш бир нотоғонлик, қўрнамаслик-ку! Мана оддий ҳисоб: бола ҳафта мобайнида 36 соат мактабда бўлади. Агар 56 соат уйкуга ақратилса, демак, 76 соат ота-онани билан бир-га. Мактаб болага билим беради. Унинг асосий вазифаси шу.

Бу борада янада чўқурак мулоҳаза юртайлик. Мактабларда ҳозирги кунда болани мукамал тарбиялаш учун бир талай муаммо-лар бор. Биринчидан, мактабларда эркак ўқитувчилар камайиб кет-ганлиги бугунги кундаги жиноятларни кўпайтаганидан далolat. Янги-да Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳалқ таълими тизими-ни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилингандан сўнғ яна эркак ўқитувчилар мактабларга қайтаётганимиш, деган гапни эшитдим. Демак, яна маълум йиллар ўтиб жиноятлар сони камайди. Чўнки айни кездеги мактаблардаги аксарият аёл ўқитувчилар ёмон йўлга қираётган ёки бу йўлга мойилроқ болаларни тўхтатишга улар ожиз эди. Бунда албатта аёлларимиздаги кўнғил бўшлиқ, раҳимдиллик ҳислатлари устун келарди. Ахир бу боқира қал-бланини бекорга "қоқиш" демаймиз-да...

Бунга мактабларимизда энг аввало эркак ўқитувчиларнинг яхши маноздаги қаттиққўлиги қирок. Бола кимданкир хайқиб турди лозим. Шу йўсида ўсган бола жиноятга мойил бўлиб ўсади, уларга-да. Уэиб-ўрганишга кўпроқ интилади. Ўсмирлик ёшдан ўтиб, улгай-ганда ҳам у ҳеч қачон жиноят кўчасига қирмайди. Турки, бундай тарбиялаш ҳақидаги бу фикр педагогикага эид, инсон ҳўқуқига эид. Лекин миллий менталитетимизга қай маънодадир яқин.

Қаттиққўлик – калтаклаш эмас

Назаримда бола ҳамма вақт эмас, умрининг маълум бир қисмида нимадандир чўчиб туриши керак. Инсон табиати шундай. Одам ҳамма вақт ақл-заковатига итоат этавермайди. Гудакларни қаранг, чўнка иссиқ десангиз ҳам унга интилаверайди. Қўлини бир-икки иссиқка боссангиз, совуқ чўйнадан ҳам қочадиган бўлади.

Болага қаттиққўлик қилиш – ун кўнда калтаклаш ёки ҳўрлашдан иборат эмас. Шўнинг учун қаттиққўлик мейрвани, усулани билиш керак. Мактаб болага нисбатан қаттиққўликни, назоратини ошириш лозим. Бола айб қилгудек бўлса, ҳақ олишини билиши керак. Чўнки бугун содир этилаётган катта жиноятлар майда айблардан бошла-нади.

Тўғрисиини айтганда, катта ўрлик мактабда ёки кўчада занфоро, камчўроқ болаларнинг оғват пулини тортиб олишдан бошланади. Бундай холларда оддий танбех билан иш битмайди. Ўқитувчи ота-онанини чакриб айтса, айрилар чора кўришга ваэда беради. Ак-сарият ота-онанга эса бу тўҳмат бўлиб тўполади, жанжал кўтарилади. Албатта, бундай оилада улгайган бола кейинчалик вояга етганда ҳам жиноятга қўл уриб қўяди. Ана шундай пайтда мактаб, махалла-кўйни, уша тушунишни хоҳлаган ота-онанинғ кўнғил-хўншини жалб этиш, уларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини тинглиш, инобатга олишни та-қозо этади.

Шу боис оила кураётган йиғит-қиз энг аввало зиммасига қандай масъулият олаётганини ҳис қилиш керак. Оилавий ҳаёт – эр-хотин-лик лаззатини эмса. Болалари тақдирини ўйлаган ҳолда кўна-қўйда, уйда ҳар хил гап-сўзлардан тийилиши керак. Ёнида уларни "кузатувчи" турганлигини унутмаслиги лозим.

Мана шундай тарбия муҳитида ўсган ёшлар эрзимган сабаблар билан ажралшиаяпти. Ўртада қолган болалар яхши муҳитда вояга етишса, яхши, бўлмаса яна Худо кўрсатмасин етишмовчилик, зори-қизи оқибатида бундай вояга етаётган болалар жиноятга мойил бўлиб ўсади. Ахир турмушда қийинчилик бўлса, ажрлиши ўрнига жиплаш-иши мўжумроқ ва шарт эмасми?

Халқимиз не-не азобларини кўрмади: очарчилик, уруш, тикланиш машққатлари... У пайтлар ажрлашлар кўп бўлмаган шеклиди? Воя-га етган фарзандларда ҳам жиноятга мойиллик жуда кам учраган. Бунга маълумотлар ҳам исобатлайди.

Бугун энг аввало мамлакатимизда оила масъулиятини, ота-она масъулиятини қонун даражасида талаб этиш керак. Қайсидир мамла-катда ким маст ҳолда машина ҳайдаса, жарима солиб ўтирмайди, дарроқ қамайди. Шунда ҳам ёлғиз эмас, хотинини ҳам қўшиб қамай-ди. Шундан сўнғ ҳеч бир хотин эрзининг ароқ ичишига бефарқ қара-майди-да. Шўнга ўхшаб боласининг бугун кичик жинояти учун ота-она дастлаб жиддий маъмурий жаэога тортилса, улар фарзандлари-нинг юриш-туришига бунчалик бефарқ қарамасдилар. Ахир она бе-шикин, кун келиб бола дунёни тебратишини бир зум ҳам ёддан чи-қармаслик зарур. Чўнки болаларимиз биздан ҳам кўпроқ бахтироқ яшашлари кераклигини унутмайлик.

Шарофиддин АСОМОВ

Миробод тумани ИИО ФМБ, 4-сон ИИБ ТБ бошлиғи, подполковник

ЎЗГИДРОМЕТ
кечаси ва кундузи — 7-9 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6 декабрга** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида оз тарқалиб кетишига имко-ният яратилди, ифлосланиш даражаси даст бўлади.

Тошкент шаҳрида **6 декабрга** кўни ҳаво ўзариб туради, вақти-вақти билан ёлғир ёғади. Гарбдан се-кундида 5-10 метр тезлик-да шамол эсади. Ҳарорат

ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида